

УЎТ: 634.12.632.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СУБТРОПИК ТУПРОҚ-ИҚЛИМИ ШАРОИТИДА ОЛМА ВА БЕҲИНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ СИНАШ НАТИЖАЛАРИ

Астонакул Мусурмонқулович Қўчқоров

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

E-mail: [aquchqorov1962@mail.ru](mailto:aquchqorov1962@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада "ҚХА-8-083-2015" лойихаси доирасида Сурхондарё вилоятининг шимолий субтропик ҳудуди шароитида уруғмевали бог экинларини янги ва истиқболли навларининг қимматли хўжалик-биологик ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий ва амалий йўналишдаги тадқиқотларнинг натижалари баён этилган. Олинган маълумотлар асосида олманинг синалган янги ва истиқболли ёзги навларидан "Барри" нави, кузги навларидан "Бел Комбе" нави, беҳининг эса "Миячо" нави биологик ва иқтисодий кўрсаткичлари жихатидан Сурхондарё вилоятининг шимолий субтропик тупроқ-иқлими шароитига мос энг самарали навлар эканлиги аниқланди ва етиштириш мақсадида тавсия этилди.

**Калим сўзлар:** Аҳоли, озиқ-овқат хавфсизлиги, мевачилик, уруғмевали, олма, беҳи, тадқиқотлар, натижалар, навлар, шимолий ҳудуд, субтропик, тупроқ-иқлим шароити, ҳосил, биологик кўрсаткич, иқтисодий самарадорлик

### ABSTRACT

In this article, within the framework of the "QXA-8-083-2015" project, the scientific study of the valuable economic, biological and economic indicators of new and promising varieties of garden crops with seeds in the conditions of the northern subtropical region of Surkhandarya region is presented and the results of research in the practical direction are described. Based on the obtained data, among the tested new and promising summer varieties of apple, "Barry" variety, "Bel Kombe" variety from autumn varieties, and "Miyacho" variety of quince, in terms of biological and economic indicators, are suitable for the northern subtropical soil-climate conditions of Surkhandarya region and are the most effective varieties were found and recommended for cultivation.

**Кириш.** Бутун жаҳонда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти, сифати ва хавфсизлиги масалаларига бўлган талабнинг ҳам ўта глобал даражада ошишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда Республикамизда аҳоли 36 миллион кишидан ошиб бормоқда, яқин 3-4 йилда 40 миллионга етиши табиий. Шунча аҳолини юқори сифатли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш биринчи галдаги долзарб масала бўлиб мамлакатимиз раҳбариятининг диққат марказидадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 484-1 Қарори билан 1997 йил 18 октябрдан кучга киритилган “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига кўра аҳолини юқори сифатли озука моддаларига бой ва экологик хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга риоя қилиш ҳуқуқий жихатдан белгилаб берилган.

Аҳолини сервитамин тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мевачиликнинг аҳамияти беқиёс даражада каттадир.

Бизга маълумки, олма ва беҳи халқимиз хуш кўриб истеъмол қиладиган мева маҳсулотларидир. Бу уруғмевалилар хўжалик аҳамияти нуқтаи-назаридан - меваси янгилигида истеъмол қилинади, улардан қоқи, консерва, мураббо, жем тайёрланади ҳамда озиқ-овқат ва консерва саноатида кенг кўламда ишлатилади. Халқ медицинасида бир катор касалликларни даволашда унумли фойдаланилади. Шириндан-ширин сархил олма ва беҳи меваларини халқимиз дастурхонига тухфа қилиш, бу меваларнинг экспортини янада ривожлантириш илм-фан ва ишлаб чиқариш олдидаги муҳим вазифадир. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб бу меваларга ташқи ва ички бозорда талаб катта эканлиги учун замонавий олма ва беҳи боғларини янги ва истиқболли навлар билан бойитиш асносида бу навларнинг хўжалик-биологик ва иқтисодий кўрсаткичларини илмий ва амалий жихатдан ўрганиш долзарб аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилди.

Олма ва беҳи Республикамизда, шу жумладан Сурхондарё вилоятида ҳам

кўп экилади. Вилятимизнинг тупроқ-иклим шароити, айниқса шимолий субтропик худуди бу уруғмевалиларни етиштириш учун жуда қулай бўлиб ҳисобланади.

**Услуглар ва материаллар.** Тадқиқотлар асосан “Мевали, резавор мевали ва ёнғоқ мевалилар навларини ўрганиш усули ва дастури” (Мичуринск,1973) ҳамда Х.Ч.Бўриев ва бошқалар муаллифлигидаги “Мевали ва резавор - мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси(услугий қўлланма,2014)”га кўра амалга оширилди. Уруғмевалилар навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, яъни рентабеллик даражаси эса Б.А.Доспехов (1985) усули асосида аниқланди.

Тадқиқотлар ”ҚХА-8-083-2015” лойихаси доирасида Академик Махмуд Мирзаев номли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станцияси билан ҳамкорликда тажрибалар майдони ва кўчатчилик бўлимида бош институт томонидан тасдиқланган методик режага кўра 0,4 гектар майдонда олманинг 6 та, беҳининг эса 7 та навлари устида дала тажрибалари олиб борилди.

**Тадқиқотларнинг натижалари.** Тажрибаларда асосан олма ва беҳи навларининг биокимёвий хусусиятлари, шу жумладан энг муҳим кўрсаткичлари бўлган ҳосилдорлиги, қанд миқдори ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилди.

**1. Олма-яблоня домашняя (*Malus domestica* L.)** раъногулдошлар оиласига кирадиган бўйи 15 метрга етадиган кўп йиллик уруғмевали дарахтдир. Тадқиқотларда олма коллекциясининг 6 та навида ўртача бир тупдаги ҳосил ва ҳосилдорлик таҳлил қилинганда ёзги навларидан ”Барри“ навида 18,0 кг.ни, гектарига эса 90,0 центнерни ташкил этди, кузги навлардан эса “Бел Комбе”навида ўртача бир дарахтдаги мева ҳосили 20 кг ни, гектарига эса 100 ц.ни ташкил этди ва бошқа навларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Ушбу навлар қанд миқдори бўйича ҳам бирмунча устунлигини кўрсатди (1-жадвал).

## 1-жадвал

## Олма навларининг ўртача ҳосилдорлиги, ц/га

Навларнинг номлари	Экиш схемаси, м	Ўртача ҳосил, кг/дарахт	Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Қанд миқдори, %
<b>Ўзги навлар</b>				
1.Яндиковская	5x4	14,0	70,0	11,2
2.Барри	5x4	18,0	90,0	12,3
3.Хаят	5x4	11,5	57,5	12,1
<b>Кузги навлар</b>				
1.Золотая Гайма	5x4	14,0	70,0	12,4
2.Бел Комбе	5x4	20,0	100	12,8
3.Келин олма	5x4	13,0	65,0	12,5

Олма навларининг иқтисодий самарадорлиги бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ўзги навлардан “Барри”нави- 140,0 %, кузги навлардан “Бел Комбе”нави -153,9 % рентабеллик даражаси кўрсаткичига эга бўлди (2-жадвал).

## Олма навларининг иқтисодий самарадорлиги

## 2-жадвал

Навлар номи	Ҳосилдорлик		Ялли маҳсулот нархи, минг сўм	1 ц маҳсулот таннари, сўм	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	Соф фойда, млн сўм ҳисобида	Рентабеллик, %
	кг/дарахт	ц/га					
<b>Ўзги навлар</b>							
1.Яндиковская	14.0	70,0	5600	35700	2500	3100	124.0
2.Барри	18.0	90,0	7200	33300	3000	4200	140,0
3.Хаят	11.5	57,5	4600	40000	2300	2300	100,0
<b>Кузги навлар</b>							
1.Золотая Гайма	14.0	70,0	5600	35700	2500	3100	124.0
2.Бел Комбе	20.0	100,0	8000	31500	3150	4850	153,9
3.Келин олма	13.0	65,0	5200	36923	2400	2800	116,6

Олма коллекцияси навлари ўрганилганда хўжалик-биологик ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ароматик хусусиятлари жихатидан ёзги навлардан “Барри”нави, кузги навлардан эса “Бел Комбе”нави устунликка эга бўлди. Гектаридан олинган энг юқори соф фойда олманинг ёзги навларидан “Барри”навида 4200 000 сўмни, кузги навларидан эса “Бел Комбе” навида 4850 000 сўмни ташкил этди.

**2. Беҳи-Айва обыкновенная (*Cydonia oblonga* Mill.) атиргулдошлар оиласига мансуб бўлиб бўйи 12 метргача борадиган сершоҳ кўп йиллик уруғмевали дарахт ўсимлигидир.** Беҳи бўйича ўтказилган тажрибаларда олинган маълумотлар “Самаркандская крупноплодная” (стандарт) навига нисбатан таққосланди (3-жадвал).

### Беҳи навларининг ўртача ҳосилдорлиги

#### 3-жадвал

Навларнинг номи	Экиш схемаси, м	Ўртача ҳосил, кг/дарахт	Ҳосил, ц/га	Қанд миқдори, %
1.Самаркандская крупноплодная (стандарт)	6x4	60	249	17.9
2.Грушевидная	6x4	56	232	18.0
3.Азербайджанская	6x4	54	224	18.1
4.Миячо	6x4	61	253	18,2
5.Гигант	6x4	60	249	18,0
6.Мелкоплодная	6x4	45	187	14,6
7.Нордон беҳи	6x4	51	212	16,4

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида ҳосилдорлик ва биокимёвий таҳлил натижаларига кўра қанд миқдори бўйича юқори кўрсаткич “Миячо”навида аниқланди.

Беҳи навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва рентабеллик даражаси ўрганилганда навлар бўйича турлича кўрсаткичга эга бўлди.Бу ҳақидаги маълумотлар куйидаги 4-жадвалда акс этирилган.

4-жадвал

**Беҳи навларининг иқтисодий самарадорлиги (1 гектарга ҳисобланганда)**

Навларнинг номи	Ҳосилдорлик		Ялпи маҳсулот нархи, минг сўм	1 ц маҳсулот таннархи, сўм	Ишлаб чиқариш харажатлари, сўм	Соф фойда, млн. сўм ҳисобида	Рентабеллик, %
	кг/дарахт	ц/га					
1. Самаркандская крупноплодная (стандарт)	60	249	12450	26706	5825	6625	113.7
2. Азербайджанская	56	232	11600	26293	5500	6100	110.9
3. Нордон беҳи	54	224	11200	25892	5400	5800	107.4
4. Миячо	61	253	12650	26877	5850	6800	116.2
5. Гигант	60.5	251	12555	26613	5875	6680	114.0
6. Грушевидная	45	187	9350	23796	4900	4450	0.90
7. Мелкоплодная	51	212	10600	25471	5200	5400	103.8

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, “Самаркандская крупноплодная” навида (st) – 113.7 % , “Гигант” ва “Миячо” навларида- 114.0-116.2 % кўрсаткичга эга бўлди. “Нордон беҳи” ва “Азербайджанская” навлари 107.4-110.9 % ни, “Грушевидная” ва “Мелкоплодная” навлари эса 0.90-103.8 % ни ташкил этди. Энг юқори иқтисодий самарадорлик “Миячо” навида кузатилди, яъни гектаридан олинган соф фойда 6800 000 сўмдан иборат бўлди.

**Хулоса ва тавсиялар.** Бу йўналишда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олманинг синалган янги ва истикболли ёзги навларидан “Барри” нави, кузги навларидан эса “Бел Комбе” нави, беҳининг “Миячо” нави қимматли хўжалик-биологик ва иқтисодий кўрсаткичлари жихатидан Сурхондарё вилоятининг шимолий субтропик тупрок-иклими шароитида етиштириш учун мос энг самарали навлар деб эътироф этилди. Ушбу уруғмевали боғ экинларининг тавсия этилган навларини экиш Сурхондарё вилоятида мевачиликни янада ривожлантиришга қўшилган муносиб ҳисса бўлади деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 484-1-сонли Қарори билан 1997 йил 18 октябрдан кучга киритилган «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида» ги қонуни. -Тошкент. -1997.
2. Мевали, резавор мевали ва ёнғоқ мевалилар навларини ўрганиш усули ва дастури . -Мичуринск. -1973.
3. Бўриев Х.Ч. ва бошқалар. Мевали ва резавор - мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси (услубий қўлланма). -Тошкент. -2014.
4. Доспехов Б.А. Методика полевых опытов. -Москва. -«Колос». -1985.